

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:
№ БД – 5320900 – 3.13
2018 йил “03” дж

2018 йил “27” 03

**КОСТЮМ ТАРИХИ
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100 000	– Гуманитар соҳа
	300 000	– Ишлаб чикариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	– Педагогика
	320 000	– Ишлаб чикариш технологиялари
Таълим йўналиши:	5320900	– Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари)
	5111000	– Касб таълими (5321600 -Енгил саноат буюмлари технологиялари ва жиҳозлари)
	5111000	– Касб таълими (5320900 -Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тикув буюмлари))

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил “27” 03 даги 274-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофикалаштирувчи Кенгашининг 2018 йил “03” 03 даги 1 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чикилди.

Тузувчилар:

- Вахидова У.А. - ТТЕСИ «Костюм дизайнни» кафедраси мудири;
Мирталипова Н.Х. - ТТЕСИ «Костюм дизайнни» кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Собирова З.А. - ТТЕСИ «Костюм дизайнни» кафедраси доценти;
Ходжаева У.М. МРДИ “Либослар дизайнни” кафедраси мудири (*турдоши OTM*).

Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2018 йил “22” 02 даги 8 -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан костюм композицияси тушунчаларини, услублар тарихини, моданинг ривожланиши ва унинг функцияларини, композиция конуниятлари, воситалари, хусусиятлари ва категорияларини, турли даврдаги ҳалкларнинг тарихий либосларини таҳлил килиш ва ўрганиш масалаларини қамраб олади. Истеъмолчи талаби асосида, замонавий ва ўзбек менталитетига мос бўлган маҳсулотни яратишда костюмнинг тузилишидаги асосий қонуниятлар ҳамда коидаларни билиш ва уларни тўғри ишлатишда, либосларда тарихий костюм элементларини конструктив-декоратив ечимини қўллашда талабаларни зарур бўлган билимлар билан куроллантиради.

“Костюм тарихи” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс хисобланиб, 2-курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур фан бошқа ижодий фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, ихтисослик блокида ўқитилиадиган фанлар учун замин бўлиб хизмат қиласди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсади – талабаларга ҳар ҳил тарихий ва миллый декоратив санъат турларини, ҳалкларнинг тарихий костюм элементларини ўргатиш ҳамда уларни либос яратиш жараёнида тадбик этиш кўникмасини хосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, бадий лойиҳалаш жараёнига ижодий ёндашув ҳамда илмий дунёкарашини шакллантириш вазифасини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйидаги талаблар кўйилади. *Талаба:*

- асрлараро миллый костюмларни тузилишига таъсир этган сабаблари, шакллантирувчи ва қўлланган бадий воситалари тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши;*
- замонавий костюм яратиш жараёнида тарихий ва ҳалқ костюми бойлигини ижодий манбаа сифатида қўллашни *бўлиши ва улардан фойдалана олиши;*
- тарихий костюм ва тўқимачилик маҳсулотларини ташки кўриниши бўйича қайси даврга, бадий услугга, миллатта, ижтимоний табакага тегишли эканлигини аниqlаш ва тасвирлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисем (маъруза машгулотлари)

1- Модул. Қадимги Дунё, Шарқ ва Ғарб тарихий костюмлари

1- мавзу. “Костюм тарихи” фанига кириш

“Костюм тарихи” фанининг мақсад ва вазифалари. Костюм ва нақш тарихи – жамиятни моддий маданияти тарихининг бир қисми. Тарихий ва миллий костюм - дизайнерлар ижодий фаолияти маңбааси сифатида. Костюм ва нақшни пайдо бўлиши ва уларни ривожланиши. Костюмларни ибтидоий турларини тузилишини тарихий жараёни.

2- мавзу. Қадимги Дунё костюми

Қадимги Миср, Бобил - Оссурияни нақши ва костюми. Костюм шакли, бичими, безаги. Уларнинг ижтимоий белгилари. Эрон нақши ва костюми. Унинг шакли, ранглари, конструктив ечими ва ижтимоий белгилари.

3- мавзу. Қадимги ва феодал даври Шарқ костюми

Хиндистон санъати, унинг характерли хусусиятлари. Мато тўкиш санъати, нақшлари ва турлари. Костюмнинг турлари. Уларнинг шакли, конструктив-декоратив ечимини асрлар мобайнида ўзгариши.

Хитой санъати хусусиятлари. Хитой санъатида нақш, ранг; хитой рамзлари. Ўрта аср феодал хитой костюми. Эркаклар ва аёллар костюми турлари, бичимлари ва конструктив-декоратив ечими. Костюм турлари ва безакларида ижтимоий белгиларни акс эттирилиши.

Ўрта асрлар ва феодал Япония санъати. Япония санъатини ўзига хос ифодаловчи воситалари. Композициянинг характерли тамойиллари. Япония костюми. Шакл, бичим ва безакларни характерли хусусиятлари. Костюм – ижтимоий табакалар ифодаси.

4- мавзу. Европа антик даври костюми

Антик даврни санъати ва костюми. Қадимий Юнон костюми, Қадимий Рим костюм турлари, уларнинг бичими, безаги, кўлланилган материаллари. Антик костюмининг шакллантирувчи воситалари ва ижтимоий белгилари.

5- мавзу. V-XX асрлар Ғарбий Европа костюми

Роман услуби костюми (IX-XIII асрлар), XIII –XV асрлар Готика услуби. Гўзаликнинг эстетик тимсоли. Кийимнинг декоратив ечими, кўлланилган материаллари. Эркаклар ва аёллар костюми турлари ва шакллари.

Ўйгониш даври костюми. Даврнинг умумий тавсифи. Эстетик тимсолни ўзгариши. Италия костюми. Испания костюми. Франция костюми. Олмония костюми.

Барокко услубидаги Европа эркаклар ва аёллар костюми. Материаллар, ранглари ва нақшлари. Мушкетерлар модаси.

Рококо услубидаги Европа костюми. Материаллар, ранглари ва нақшлари. Эркаклар ва аёллар костюмининг конструктив-декоратив ечими. Модани таркалиши.

XIX аср Европа костюми. Классицизм услубидаги костюм. Кийимнинг асосий шакллари ва ассортименти. Ампир услуби. 1830-1860 йи.даги моданинг кескин ўзгариши.

XX аср Европа костюми. Костюмнинг демократизациялаши. Аёллар костюмидаги модерн услубининг равнақ топиши. Урушдан кейинги даврда янги эстетик тимсол ва модани кескин ўзгариши. XX аср модали услублари.

2- Модул. Ўрта Осиё тарихий либослари

6- мавзу. Ўрта Осиё костюм тарихи

Ўрта Осиё Антик даврни санъати ва костюми. Кийим турлари, уларнинг бичими, безаги, кўлланилган материаллари. Илк феодал ўрта асрларни санъати ва костюми. Кийим турлари, шакли, бичими, безаклари.

Ўрта Осиё кеч ўрта асрлар даврининг умумий тавсифи. Китоб миниатюраси тасвирий санъатининг равнақ топиши. Гўзаликнинг эстетик тимсоли. Ўрта Осиё кеч ўрта асрлар эркаклар ва аёллар костюм турлари, шакллари, бичими, кўлланилган материаллари. Аёллар ва эркаклар костюмиданинг ижтимоний белгилар ва ўзига хос кийиниши усули.

7- мавзу. XIX-XX аср бошидаги ўзбек костюми

Ўзбекистон бадиий газмоллари. Ўзбекистон абр газмоллари. Кийимларни тикишда ишлатиладиган матолар. Материаллар ранглари ва нақшлари.

XIX-XX аср бошидаги ўзбек костюми. Эркаларнинг миллий либослари.

Аёлларнинг миллий либослари. Маросим кийимлари. Костюм турларининг шакли, бичими ва безаклари. Анъанавий кийим бичиклари. Киймининг янги турларини пайдо бўлиши ва бичимларини ўзгариши. Костюмдаги мингакавий ва ижтимоий белгилари. Тошкент-Фарғона, Самарқанд-Бухоро, Кашикадарё-Сурхандарё, Хоразм ва Қоракалпок миллий костюмларининг конструктив-декоратив ечими ва ўзига хос хусусиятлари.

IV. Лаборатория машгулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Лаборатория машгулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Қадимги Дунё костюмининг турлари ва бичимлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.
2. Қадимги ва феодал даври Шарқ костюми билан танишиш ва нусхасини чизиш.
3. Қадимги Юнон ва Қадимги Рим антик даврнинг костюми билан танишиш ва нусхасини чизиш.
4. Европа ўрга асрлар ва Уйғониш даври костюми турлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.
5. XVII- XVIII асрлар Европа «Барокко» ва «Рококо» услубларидағи костюми турлари, бичимлари ва бадиий ечими билан танишиш ва нусхасини чизиш.
6. XIX аср Европа костюми турлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.
7. XX аср костюми Европа костюми турлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.
8. Ўрта Осиё антик ва илк ўрга аср костюм турлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.
9. Ўрта Осиё кеч ўрга аср костюм турларини китоб миниатюраларидан ўрганиш ва нусхасини чизиш.
10. XIX-XX аср бошидаги ўзбек костюмининг турлари, бичими, мингакавий ва ижтимоий фарқлари билан танишиш ва нусхасини чизиш.

Лаборатория машгулотлари ижодий ишларни бажаришига мўлжалланган, мультимедия курилмалари билан жиҳозланган аудиторияда кичик гурухларга бўлиб алоҳида ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машгулотлар интерактив усуllар ёрдамида ўтилиши, мос равиша муносиб педагогик ва ахборот технологиялар кўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустакил таълим ва мустакил ишлар

Мустакил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбек амалий bezak санъати, тарихий лиboslar, arхитектура, тасвирий санъат, табиат шакллари дизайнини тахлил этиш ва улардан замонавий лиboslar яратишда ижодий манбаалар сифатида фойдаланиш.
2. Шарқ мамлакатларининг ўзига хос санъатининг характерли хусусиятлари ва кийимларининг шакли ва бичими Тарихий костюм ва матолари бўйича маълумотлар базасини тўплаш (фотосуратлар, эскиз ва нақш чизмалари, костюм нусхалари).
3. Европа бадиий услубларини ўзига хослигини моддий маданият ва амалий bezak санъати асарлари оркали чукур ўрганишва костюмга таъсирини аниклаш.

Мустакил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан реферат, скейчбук ва нусхалар чизиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иини. Курс иини ўкув режада кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Phyllis G. Tortora, Sara B. Marcketti. Survey of Historic Costume 6 edition. Bloomsbury London, 2015
2. Françoise Tétart-Vittu. The Costume History.- New York, Taschen, 2015
3. Raxmatullayeva D, Xodjayeva U, Ataxanova F. Libos tarixi. – T.: Sano-Standart 2015. - 336 b.
4. Роберт Хэрольд. Костюмы народов Мира. Москва 2002
5. М.Н.Мерцалова. Костюм разных времен и народов 1,2 том М.: Академия 2003
6. Пармон.Ф.М. Композиция костюма. Одежда, обувь, аксессуары. Учебник. – М.: «Триада плюс», 2002. – 312 с., 258 ил.

Кўшимча адабиётлар

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижканоб халқимиз билан бирга курамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 488 бет.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016 йил, 56 бет.

- “Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан.Ташкент, “Узбекистан”, 2016г, 56стр.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлашюрт тарақкнёти ва халк фаравонлигининг гарови.Ташкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 48 бет.
- Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа.Ташкент, “Узбекистан”, 2017 г, 48стр.
- 10.Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- хар бир раҳбар фаолиятининг куидалик қоидаси бўлиши керак.Ташкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 104 бет.
- Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя.Ташкент, “Узбекистан”, 2017 г, 104 стр.
- 11.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
- 12.Г.М.Гусейнов, Ермилова В.В. Композиция костюма. - М.: Академия 2003.
- 13.Хасанбаева Г.К., Чурсина В.А. Костюм тарихи. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 320 б.
- 14.Захаржевская Р.Б. История костюма - М., 2005
- 15.Н.Содикова Ўзбек миллий кийимлари. Ўкув қўлланмана. – Т: 2006.-1926
16. Hasanboyeva G.K. To'qimachilik dizayn tarixi. O'quv qo'llanma. Т.: Iqtisodiyot –Moliya, 2007-250b.

Интернет сайtlари

17. <http://ziyonet.uz>
18. <http://title.uz>
19. <http://www.textileclub.ru>
20. www.modnaya.ru
21. www.fashion.ru
22. www.design.com
23. <http://www.ozon.ru>